

БЮДЖЕТ-СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11398690>

М.Б.Кимсанбоева,

ТДИУ “Молия” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Мамлакатимизда бюджет-солиқ тизимини такомиллаштиришнинг замонавий йўналишлари ҳақида маълумотлар ва хулосалар берилган.*

Калит сўз: *Солиқ тизими, рақамли иқтисодиёт, солиқ маъмуриятчилиги*

Бугунги кунда техника ва технологиялар шу қадар ривожланмоқдаки, кириб бормаган соҳалар, ишғол қилинмаган деворлар қолмаган. Албатта, иқтисодиёт соҳасига ҳам кириб келди ва биз янги иқтисодиётни кашф этдик. Биз бу иқтисодиётни рақамли иқтисодиёт деб атаيمиз.

Рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини анализ қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир. Бошқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компьютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир.

Рақамли иқтисодиёт тушунча нисбатан узоқ бўлмаган вақтда, 1995-йили Массачусетт университети америкалик олими Николас Негропonte томонидан аниқлаб берилган. Олим ахборот-коммуникация технологияларини интенсив

ривожланиши ортидан эски иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтишда, қандай ўзгаришлар рўй бериши мумкинлигини айтиб ўтган.⁶³

Сўнги йилларда “рақамли иқтисодёт” тушунчаси жуда кўп марта қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, кўплаб ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт уларнинг ривожланиш омилларига сезиларли даражада таъсир ўтказган. Жамият ҳаётида рақамли иқтисодиёт муҳим рўл ўйнайди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширишда кенг қўлланилмоқда.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича бир қатор меъёрий-ҳужжатлар қабул қилинган. Булардан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони⁶⁴, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони⁶⁵ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁶⁶ги қарори каби меъёрий-ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони тасдиқланган. Ушбу фармонда «Миллий иқтисодиётни жадал

⁶³ <https://cyberleninka.ru/article/n/iqtisodiyot-va-uning-tarmoqlarini-raqamlashtirish-iqtisodiyot-sohasiga-raqamli-texnologiyalarni-olib-kirilishi/viewer>

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори

ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш» 3-масаласининг бир қатор мақсадлари режалаштирилган. Булардан:

1.Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

2.Рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўллари кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш.

3.Иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш.

4.Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш⁶⁷.

Рақамли иқтисодиётда бюджет-солиқ тизимини ривожлантиришда бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Улардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 359-сонли қарори⁶⁸ қабул қилинган. Ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро алоқани масофавий тарзга ўтказиш, барча иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали тўлиқ автоматлаштириш ва интерактив давлат хизматлари сонини кенгайтириш;

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 359-сонли қарори

- давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ахборот тизимлари билан электрон ҳамкорлик орқали ахборот алмашинувини самарали ташкил этиш ҳамда бу борада мавжуд муаммоларни бартараф қилиш;

- катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- «Онлайн назорат касса машиналари», «Электрон ҳисобварақ-фактуралар» ва бошқа марказлашган тизимларни кенг жорий этиш;

- иқтисодиётда хуфиёна фаолиятни қисқартириш, шаффофлик даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлик учун тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида солиқ органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда солиқ соҳасида илғор ва инновацион технологияларни эгаллаш ҳамда уларни амалиётда самарали татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш механизмларини жорий қилиш;

- солиқ назорати тизимини солиқ тўловчилар фаолиятига аралаштиришни, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида «инсон омили»ни ҳамда коррупция ҳолатларни камайтириш имконини берувчи масофавий таҳлил ишлари асосида ташкил этиш.⁶⁹

Солиқ маъмуриятчилигини самарали амалга оширишга ҳамда солиқ органларига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажаришга тўсқинлик қилаётган кўйидаги **камчилик** ва **муаммолар** мавжуд:

биринчидан, электрон давлат хизматлари ва ахборот тизимлари орқали маълумотлар базасига тушаётган мурожаатлар сони йилдан-йилга кескин ошиб бораётганлиги сабабли маълумотларни тезкорлик билан таҳлил қилиш имкониятини бермаяпти;

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 359-сонли қарори

иккинчидан, Давлат солиқ кўмитасининг мавжуд сервер қурилмаларининг хотира ҳажми бугунги кунда 90 фоиз банд ва уларнинг ишлаш кафолатли муддати тугаган, Маълумотларни қайта ишлаш маркази қурилмалари эскирган;

учинчидан, мавжуд ахборот тизимлари турли хил дастурлаш тилида ва бир-бирига мураккаб интеграциялашган ҳолда фойдаланилмоқда ҳамда ягона платформа мавжуд эмас;

тўртинчидан, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва онлайн назорат касса машиналари ҳамда ташқи манбалар орқали шаклланган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш учун мавжуд серверлар қуввати етишмаслиги оқибатида тизимда тез-тез узилишлар вужудга келмоқда;

бешинчидан, солиқ тўловчи билан солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ягона стандарт ва дастурий маҳсулотлар мавжуд эмас;

олтинчидан, солиқ базасини кенгайтириш учун идоралараро маълумотлар алмашиш даражаси паст;

еттинчидан, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш учун кўриладиган таъсир чораларини автоматик сегментлаш ва солиқ тушумлари хавфини тўлиқ баҳолаш механизмлари мавжуд эмас;

саккизинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда тизимли камчиликлар мавжуд.⁷⁰

Ушбу камчилик ва муаммолар солиқ тизимини жадал ривожлантириш, солиқ маъмуриятчилигида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг талаб даражасида йиғилишига ва солиқ тўловчиларга сифатли электрон давлат хизматлари кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 359-сонли қарори

Шу муносабат билан аниқ мақсад, вазифа ва асосий йўналишларни назарда тутувчи Давлат солиқ кўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Iqtisod-moliya. 2008.
2. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. 2011.
3. Malikov TS. Moliya. O ‘quv qo‘llanma. Toshkent: Iqtisod-moliya. 2018.
4. Malikov TS, Moliya HN. umumdavlat moliyasi./O‘quv qo‘llanma. Toshkent: “Iqtisod-moliya. 2009;556.
5. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 804 б.
6. Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 404 б.
7. Маликов Т.С. Молия. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 266 б.
8. Маликов Т.С., Жалилов Ш.Қ. Молиявий тизим: замонавий талқин. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2016. – 116 б.
9. TS Malikov, O Olimjonov. [Moliya](#). - O‘quv qo ‘llanma. T.: “Iqtisod-moliya, 2012
10. Маликов Т.С., Жалилов П.П., Абдураупов Р.Р. Амалий молия асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. -96 б.
11. Malikov T.S. Moliya: xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar moliyasi. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
12. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ., Ҳасанов Р.Р. Молиявий бошқарув. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
13. Маликов Т., Ҳайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, “Иқтисод-молия”, 2007.